

Штабс-капитан Александр Осипович Корниловичнинг Россия императорига мактубидан: «Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига ҳам кириб бориш қулай бўлиши учун Каспий денгизининг шарқий соҳилидан Хивага йўл очиш лозим бўлади. Жаноби олийларига маълумки, адашмасам, подшоҳ Петр Биринчи 1720 йилдаёқ бу ишга экспедитсия жўнатганди. Бу юриш унинг раҳбари гвардия капитани Бековичнинг эҳтиётсизлиги ва туркманларга хаддан ташқари ишониб юборгани учун барбод бўлди. Уни тугаллашга кейинчалик императорнинг ўлими халал берди. Бу иш император Екатерина Иккинчи томонидан ҳам ўйланди, аммо ҳеч қандай ҳаракат бўлмади. Нихоят, генерал Ермолов бундан олти йил муқаддам ҳукуматга Хива хони Муҳаммад Раҳимнинг ўшанда Муравъёвни хибсга олганини рўқач қилиб Хивани эгаллаш ҳақидаги таклифини айтганида подшоҳимиз ўзларига хос сулҳпарварликка содик қолиб ва Британия ҳукуматининг Ост-Хинддаги мулклари соҳасида шубҳа тугдирмаслик учун бу таклифга рози бўлмадилар.

Савдо ишлари бўйича хусусий корхона тузиш бундай юришга баҳона бўлиши мумкин. Асосий мақсад эса Ўрта Осиё ўлкаларидаги аҳвол, қучлар, ўзаро муносабатлар, ишлаб чиқариш, айниқса савдо имкониятлари ҳақидаги энг аниқ маълумотларни тўплаш бўлади»

(А. О. Корнилович, «Сочинения и письма», Москва-Ленинград, 1957 г.).

**Бизнинг изох:** русларда «Текин пишлоқ қопқондагина бўлади», ўзбекларда эса «Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур» деган халқ мақоллари бор.